Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Ер ресурсларини бошқариш
Ердан фойдаланиш кафедраси

## Фан: Ер тузишни лойиҳалаш

# Ажратилган ер участкаси майдонини берилган худудда жойлаштириш мавзусидаги амалий дарснинг

# ТАҚДИМОТИ

Тошкент-2021

www.gisinfo.ru

## "ЕТЛ" фанидан «Ажратилган ер участкаси майдонини берилган худудда жойлаштириш » мавзусидаги амалий машғулот дарс таълим технологияси модели

| *Вақт 2 соат* | *Талабалар сони 20* |
|---|---|
| ***Ўқув машғулоти шакли*** | **Амалий машғулот** |
| ***Амалий машғулот режаси*** | **1.Хўжаликнинг умумий майдонини хақида маълумот**<br>**2.Хўжалик тўғрисида ёзма маълумотларини ўрганиш** |
| ***Ўқув машғулот мақсади*** | **"Хўжаликни умумий ер майдони ва фойдаланиладиган" ер майдонлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш** |
| ***Педагогик вазиятлар***<br>1.Хўжалик ер майдони тўғрисидаги маълумотни тушунтириш<br>2.Хўжаликда фойдаланилаётган ер майдони тавсифини тушунтириш | ***Ўқув фаолияти натижалари***<br>1.Хўжаликни ер майдони тавсифини ўрганиш<br>2.Хўжаликнинг умумий ва фойдаланилган ер майдонларини ўрганиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш |
| ***Таълим усуллари*** | Кичик гурухлар |
| ***Таълимни шакллантириш шакли*** | Оммавий, жамоавий |
| ***Таълим воситалари*** | Компьютер (проектор) слайдлар |
| ***Таълим бериш шароити*** | Техник воситалар билан жиҳозланган хона |
| ***Мониторинг ва баҳолаш*** | Оғзаки сўров: тезкор сўров |

**"ЕТЛ" фанидан «Ажратилган ер участкаси майдонини берилган худудда жойлаштириш » амалий машғулот мавзусидаги амалий дарсни технологик харитаси**

| Иш босқичлари | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1 босқич<br>Ўқув машғулотига кириш 10 дақиқа | Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот амалий машғулот шаклида олиб борилиши маълум қилинади.Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.<br>Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова) | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2 босқич<br>Асосий қисм<br>60 дақиқа | 2.1.Амалий машғулот слайдлари Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.<br>2.2.Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Кераkли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.<br>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова) | Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар<br>Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар<br>Талабалар жавоб берадилар |
| 3 босқич<br>Якуний босқич<br>10 дақиқа | 3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.<br>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ берилади. | Тинглайдилар<br>Топшириқни ёзиб оладилар |

# Тавсия этилган адабиётлар


- 1.Авезбоев С.Ер тузишни лойиҳалаш. -Т.:«Янги аср авлоди», 2004.– 783 б.
- 2.Авезбоев С, Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш.-Т:“Файласуфлар жамияти”, 2007.–470 b.
- 3.Авезбоев С, Т.Карабаева.Ер тузиш.-Т.:TDAU, 2005.– 305 b.


- **Қўшимча адабиётлар**


- 1.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари.Т.: Адолат, 2018.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Ер фонди маълумотлари.Тошкент-2018й.
- 3. www:ziyo.net
- 4. www.ygk.uz
- 5.www:leх.uz

# АМАЛИЙ ДАРСНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

**Жорий баҳолаш амалий машғулотда қатнашиб берилган топшириқларни тўла, сифатли бажарган ва саволларга тўлиқ жавоб берган талабага:**

**агар савол моҳияти тўла очиб берилган бўлса, жавоблари тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса – 1,5-2 балл;**

**саволнинг моҳияти умумий очилган, асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса – 1-1,5 балл;**

**саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо айрим камчиликлари бўлса – 0,5-1 балл;**

www.gisinfo.ru

# Гуруҳларни баҳолаш мезони

| 1 дарс | 2 дарс | 3 дарс | 4 дарс | 5 дарс | 6 дарс | 7 дарс | 8 дарс | 9 дарс | 10 дарс | 11 дарс | 12 дарс | 13 дарс | 14 дарс | 15 дарс | 16 дарс | 17 дарс | 18 дарс |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| - | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 2 | 3 | - | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 2 | 3 |
| - | 0-2 | 0-4 | 0-6 | 0-8 | 0-11 | 0-13 | 0-15 | 0-18 | - | 0-2 | 0-4 | 0-6 | 0-8 | 0-10 | 0-13 | 0-15 | 0-18 |
| ЖН-1 | | | | | | | | | ЖН-2 | | | | | | | | |

www.gisinfo.ru

# Гурухлар

| | |
|---|---|
| 1-Гурух | Ажратилган ер участкаси майдонини берилган худудда жойлаштириш |
| 2-Гурух | Ажратилган ер участкаси майдонини берилган худудда жойлаштириш ишларини ташкил қилиш |
| 3-Гурух | Ажратилган ер участкаси майдонини берилган худудда жойлаштириш таёйгарлик ишлари |

# Хўжаликнинг умумий ва фойдаланиладиган ер майдонлари тавсифи

- Маъмурий-ҳудудий бўлинмаларининг чегараларини жойларда белгилаш.
- Чегаралаш-ҳар хил мулкчиликдаги (давлат, жамоат, хусусий)ерлар чегараларини белгиланишдаги қонунда белгиланган жараёни бўлиб, у ер тузиш ишлари таркибида киритилади.
- Ер тузиш чизмаларини тузиш, хўжаликлараро ва хўжаликда ички ер тузиш ер тузиш лойиҳаларини ишлашгача қуйидаги чегаралаш ишлари катта аҳамиятга эга:
- Жойларда маъмурий-ҳудудий бўлинмаларининг чегараларини белгилаш;
- Махсус ҳуқуқий тартибга эга ерлар ҳудудлари чегараларини белгилаш;
- Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар чегараларини белгилаш (тиклаш) ва мустаҳкамлаш

# Лойиҳани жойга кўчириш

## Даланинг электрон харитаси

*Амалдаги тарх*




*Ишлаб чиқариш участкалари ва алмашлаб экиш далалари харитаси*

*Лойиҳавий тарх*




Барча агрофизик, агрохимик ва агроэкологик шароитлар ҳисобига ҳайдалма ерлари чегараларида қайталойиҳалаш ўтказилган.

Тайёрланган рақамли маълумотларни сақлаш тизимига жойлаштириш.

# ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЕР ТУЗИШ ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
# ЕР КОДЕКСИНИНГ 12-МОДДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 12-моддасига биноан хўжаликлараро ер тузишнинг вазифаларидан бири яъни мавжуд қишлоқ хўжалиги корхонлари ердан фойдаланувчиларининг ноқулайликларини бартараф этган холда ер участкаларини тартибга солиш лойихаларини ишлаб чиқиш.

1.Қишлоқ хўжалик корхоналари ерларини қайта ташкил этиш лойихасини ишлаш;

2.Қишлоқ хўжалик корхоналарида камчиликларни тугатиш лойихасини ишлаб чиқиш.Тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдонлари хажмининг ва таркибининг хўжалик ихтисослиги талабларига жавоб бермаслиги, ер майдони ва унинг чегараларининг жойлашувидаги ердан ва сувдан фойдаланишига, хўжалик иқтисодига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салбий таъсир қиладиган ноқулайликларни аниқлаш.

# ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕР МАЙДОНИ ТАВСИФИ




www.gisinfo.ru

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ РАЦИОНАЛ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ АНИҚЛАШ




www.gisinfo.ru

# Хўжаликнинг рационал майдонини аниқлаш

Тавсия қилинган ўртача майдонлар ва хўжаликда ишлаб чиқаришга тавсия қилинадиган омилларни хисобга олган холда уларнинг рационал майдони қуйидаги формула орқали хисобланади

$$Rrats = Rtav + Rtav \sum KI ,$$

бу ерда:

**Rrats**-Хўжаликнинг рационал ер майдони, га

**Rtav**-Ихтисослик бўйича тавсия қилинаётган шртача майдон, га

**KI** –Тузатиш коэффиценти

**I**-Коэффицентларининг тартиб рахами (1,2,3...i)

Масалан

**Rrats=1526+1526*0,03=1571,78 га**

# Хўжаликнинг рационал майдонини ва амалдаги майдонини таққослаш

Хўжаликларнинг рационал ер майдонлари аниқлангач уларнинг амалдаги майдонларга қанчалик тўғри келиши фуйидаги формула орқали бахоланади.

$$К1 = \frac{Р_{ф}}{Ррац}$$

Бу ерда *К1* - хўжаликнинг рационал ер майдонининг коффициенти;

*Кf* - хўжаликнинг амалдаги ер майдони, га

*Rrats* - хўжаликнинг рационал ер майдони, га (илова-1)

## Маъмурий тумандаги ердан фойдаланувчиларни ўлчамларининг рационал ўлчамларга мослиги

Хўжаликларнинг амалдаги ер майдонлари билан рационал ер майдонлари келтирилган таққослаш натижаларига асосан баҳоланади. Агар амалдаги майдон рационал ер майдонига мос тушса, унда К1=1,0 тенг бўлади. Агар К1=1,0 дан +-0,30 фарқ қилса унда хўжаликнинг ер майдонларида камчиликлар мавжудлиги кузатилади.

Аниқ шароит учун рационал ўлчамлардан катта фарқларга эга бўлган хўжаликларнинг ўлчамлари чуқур ўрганилади.

## Ердан фойдаланувчиларининг асосий вазифалари

- *экин ерлар унумдорлигини ошириш ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик;*
- *экинлар хосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш;*
- *агротехник тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатларини минималлаштириш;*
- *маҳсулот етиштириш давридаги хавф-хатарларни минималлаштириш;*
- *ишлаб чиқариш фаолиятида ҳисоб ва назорат жараёнларини автоматлаштириш.*

# Бошланғич маълумотларни тайёрлаш

- *ҳайдалма ерларини амалдаги чегараси бўйича ўлчаш;*
- *ҳайдалма ерларнинг агрофизик хусусиятларини таҳлил қилиш;*
- *далани агрохимик текшириш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг агро аудити;*
- *ҳайдалма ерлар структураси бўйича тавсиялар;*
- *даланинг электрон харитасини тузиш;*
- *алмашлаб экиш бўйича тавсиялар;*
- *агротехник планлаштириш;*
- *машинотрактор паркини оптималлаштириш;*
- *даланинг ахборот маълумот базасини шакллантириш.*

# Лойиҳани ёзма маълумотларини расмийлаштириш

- Тахт қилинган лойиҳа хужжатлари давлат стандарти ва йўриқнома талабларига тўлиқ жавоб бера олиши керак.
- Чизма (график) материаллари катта–кичиклиги бўйича стандартда белгиланган формадаги қоғозда тахт қилинади. Бунда “Ер тузиш чизмачилиги” да қабул қилинган шартли белгилардан фойдаланилади, амалдаги йўриқнома-услубий кўрсатма хужжатларидаги талабларга риоя қилинади.
- Лойиҳа чизмаси (Лойиҳа плани) нинг асл нусхаси рангда акс эттирилади (безатилмайди) ер турлари, алмашлаб экишлар ва бошқаларнинг чегаралари қаламда чизилганича қолдирилади (унда рақамлар хам бор).бўлади.

www.gisinfo.ru

**ТОПШИРИҚ №1**
**КЛАСТЕР**




***(фикрий жараёнларни кўргазмали ташкил этиш ўқитувчи варианти)***

www.gisinfo.ru

# Эътиборингиз учун рахмат